

## «Минор» жоме масжидига Раҳматуллоҳ домла Сайфуддинов имом-хатиб этиб тайинланди



15:32 / 21.10.2021 1795

Бугун, 21 октябрь куни пойтахт имом-хатиблари йиғилишида Тошкент шаҳар бош имом-хатиби вазифасига тайинланган Раҳматуллоҳ домла Сайфуддиновга Юнусобод туманидаги «Минор» жоме масжиди имом-хатиби вазифаси ҳам юклатилди.

Ушбу кунда Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров пешин намозида Раҳматуллоҳ домла Сайфуддиновни «Минор» жоме масжиди имом-хатиби сифатида намозхонларга таништирдилар ва иш фаолиятларига хайрли дуолар қилдилар.

Ҳозирга қадар «Минор» жоме масжиди имом-хатиби вазифасида ишлаб келаётган Фозилжон домла Убайдуллаев Юнусобод тумани Бодомзор даҳасидаги «Мирза Юсуф» жоме масжиди имом-хатиби вазифасига ўтказилди.

Аллоҳ таолодан улкан муваффақиятлар тилаймиз.